Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо ,уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу — ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади.

Шу боис барчамиз ўқувчилик йилларини ҳаяжон ва соғинч билан эслаймиз, меҳнаткаш ва меҳрибон устозларимизни ҳамиша эзгу сўзлар билан хотирлаймиз.

Устозни отадан улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Биз улардан умрбод қарздормиз.

Азиз муаллимлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишда сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Бу дастур мавжуд таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки биз орзу қилаётган янги авлодни тарбиялайди.

Янги авлод деганда мен, аввало, ўзлигини теран англаган, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг буюк ва бетакрор меросига муносиб ворис бўлган, шу билан бирга, илм-фан чўққиларини эгаллашда маърифий дунёда ҳеч кимдан қолишмайдиган навқирон фарзандларимизни назарда тутаман.

Ана шу авлодни тарбиялайдиган Миллий дастур энг катта орзу-умидларимизни, муқаддас интилишларимизни рўёбга чиқарадиган, ҳозирги ва келажак ҳаётимизнинг равнақини белгилаб берадиган асосий омилдир. Бу шарафли вазифа бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни кўзлаб яшаётган халқимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Лекин биринчи навбатда бу эзгу иш сиз каби маърифат фидойиларининг давлат ва халқ олдидаги муҳим ижтимоий ва инсоний бурчидир.

Мана шу улкан ва ўта масъулиятли вазифани адо этишингизда давлатимиз ва жамиятимиз муҳтарам муаллим ва мураббийларимизни эъзозлаш ва ардоқлашда, сиз азизларга муносиб шарт-шароит яратишда ҳеч қандай куч ва маблағини аямайди, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Азиз устозлар!

Сизларни байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга соғлиқ-омонлик, бахту саодат, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 30 сентябрь, пайшанба • № 115 (25.510).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 сентябрь куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли ташкилот билан алоқа ўрнатганига кўп бўлмаган эсада, икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, ташкилотнинг 1996 йили Лиссабонда бўлган саммитида мамлакатимиз раҳбари минтақамизда барқарорликни мустаҳкамлаш, можароларни бартараф этиш, қурол-яроғ контрабандасига қарши курашда ЕХҲТнинг иштирокини кенгайтириш таклифини илгари сурган эди. Бу таклиф саммит сўнггида қабул қилинган Лиссабон декларациясида ўз ифодасини топди. 1997 йилда эса ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳам ЕХҲТнинг Парламент Ассамблеяси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бир сўз билан айтганда, минтақавий хавфсизлик, экология, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, фуқаролар жамияти барпо этиш, демократиялаштириш ва инсон ҳуқуқларига оид кўплаб соҳаларни қамраб олган Ўзбекистон-ЕХҲТ ҳамкорлиги тобора кенгаймоқда.

Учрашувда Президент Ислом Каримов ушбу ташриф ЕХҲТ раҳбариятининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга, парламент ва президент сайловлари арафасида мамлакатимиздаги вазият билан бевосита танишишга бўлган интилишининг ифодаси эканини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ЕХҲТ томонидан минтақамиздаги жараёнларни ўрганиш бўйича махсус миссия ташкил этилаётганига ҳам тўхталиб, бу ташаббусни юқори баҳолади ва у минтақа мамлакатларининг ташкилот фаолиятида янада изчил иштирокини таъминлашини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Қирғизистон жанубидаги вазият хусусида

Қирғизистон «Кабар» ахборот агентлигининг хабар қилишича, 27 сентябрдан 28 сентябрга ўтар кечаси 30 нафарга яқин жангари Ҳайдаркон қишлоғидан тахминан 10 километр узоқликда жойлашган Қирғизистон ҳукумат қўшинларига ҳужум қилган. Республика ҳудудининг ичкарисига ёриб ўтишга уринишлари беҳуда кетгандан сўнг, улар ўқ ёмғирига дуч келиб, Гуомиш довони томонга тоққа чекинган. Ҳукумат қўшинлари томонида ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар йўқ.

Қирғизистон Хавфсизлик кенгашининг котиби Болот Жонузоқовнинг гапларига қараганда, Сирт, Сой, Газ қишлоқлари яқинида 5-7 кишидан иборат жангарилар гуруҳлари кўзга чалинган. Шу сабабли Қирғизистон Қуролли Кучларининг бўлинмалари шу жойларни текшириб чиқишга киришмоқда. Ҳозир вертолётлар ва артиллерия жангга тайёр.

Жангарилар ҳамон Хўжа Ачкондаги, Зардоли қишлоғидаги базаларини мустаҳкамлашни давом эттирмоқда. Зардолида яшовчиларнинг сўзларига қараганда, бу аҳоли пунктида жангарилар сони 10-15 нафардан 200-220 кишигача мунтазам ўзгариб турибди. Улар топшириқ олиш, вазият тўғрисида ахборот бериш, озиқ-овқат, дори-дармон ва ўқ-дорини тўлдириш учун ҳар 5-6 кунда шу ерда тўпланади.

Маҳаллий аҳолининг сўзларига қараганда, жангарилар бу жойларда одамларга очиқдан-очиқ зўравонлик қилмоқда, тинч фуқароларни калтаклаб, уларни блок-постлар қуриш учун хандақ қазишга мажбур қилмоқда, озиқ-овқат, иссиқ кийим ва йиғиштириб олинган бутун ҳосилни тортиб олмоқда. Кўпинча улар наркотик моддалар истеъмол қилиб, сархўш юради. Б. Жонузоқов жангарилар ўқ-дори, дори-дармон, озиқ-овқат ва наркотик моддаларни Тожикистон ҳудудидан ёрдам сифатида олаётганини таъкидлади.

Б. Жонузоқов ҳукумат қўшинларининг ҳозирги ҳаракатларини террорчилар гуруҳларини қириб ташлашга қаратилган тўла миқёсли операция, деб бўлмаслигини, чунки гаровда ушлаб турилган кишиларни соғ-саломат озод қилиш ҳозир ҳам асосий вазифа бўлиб қолаётганини айтди. Гаровда ушлаб турилган шахслар озод қилинганидан сўнг жангарилардан қуролни ташлаб, таслим бўлиш талаб қилинади. «Таслим бўлмаса, яксон қилинади. Уларнинг Қирғизистонда қишлашига йўл қўймаймиз", — деди Қирғизистон Хавфсизлик кенгашининг котиби.

Ғафур ЖАМОЛОВ. (ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1999 йил октябрь-ноябрь ойларида 1972-1981 йилларда туғилган, чақириқни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 29 сентябрь.

Олий Мажлисда учрашув

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Э.Халилов билан учрашди. Суҳбат чоғида меҳмонларга Олий Мажлис фаолияти, Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида юз бераётган янгиланишлар ҳақида сўзлаб берилди.

К.Воллебек ЕХҲТ Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнига, хусусан, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларга юқори баҳо берди.ЕХҲТ Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни бундан кейин ҳам кенгайтириб бориш ниятида эканини таъкидлади.

ЕХҲТ делегацияси аъзолари Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова билан ҳам учрашди.Улар билан суҳбатда қабул қилинган қонунларга риоя этилишини назорат қилиш, фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда олиб борилаётган ишларни матбуотда ёритиб бориш Омбудсман идораси фаолиятининг устувор йўналиши экани таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон Омбудсмани чет эллик мутахассислар, халқаро ташкилотлар экспертлари билан самарали мулоқотлар ўтказаётгани қайд қилинди.

ЕХҲТ делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда ҳам бўлди.

(ЎзА)

Суратларда — юртимиз тараққиёти

Ўзбекистон Бадиий Академияси кўргазмалар залида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланган фото кўргазма тақдимоти бўлиб ўтди.Кўргазма муаллифлари — таниқли фото усталари Фарҳод Қурбонбоев ва Владимир Ковреиндир.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар муаллифлар мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган улкан ўзгаришлар, республикамизнинг аср якунидаги тараққиёти ва ривожланиш истиқболлари, ҳуқуқий демократик жамият қуриш, мамлакатимизнинг неча минг йиллик маънавий-маданий ва маърифий меросини асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ишларни фотосуратлар орқали акс эттиришга муваффақ бўлганликларини таъкидладилар.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

«Обуна — 2000»

«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!
Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Қурултой олдидан

Озодлик фарзанди

Сарлавҳага чиққан гап партия ташкил топган кунлар, бундан 8 йил олдин айтилган эди. Аммо мустақилликнинг дастлабки йилларида айримларнинг партияга нисбатан иккиланиб қарашлари табиий эди. Орадан шунча йил ўтиб, ўз тақдир-аъмолимизни белгилаб, ўсиб-улғайган, мамлакатимиз юксак-юксакларда парвоз қилаётганини кўриб қувониб турган чоғимизда ўша «иккиланганлар»нинг юзлари қизараётганлиги ҳам бор гап.

Лекин биродар, яна бир гап, аҳён-аҳёнда ўзингиз сафида бўлган партия ҳақида кимларнингдир, баъзи бировларнинг партиянгиз КПССнинг вориси деган чучмал, тузсиз гаплари қулоғингизга чалинса, албатта, ҳижолат чекасиз. Бу эса шўро даврида бобонг қизил аскар ўтган, дея сизни камситишаётган, изза қилишаётганга ўхшайди. Аввало, тушунган одам бундай демайди. Чунки бобомми, отамми қизил аскар бўлган эрса, менинг ҳеч қандай айбим йўқлигини тушунади. Қолаверса, мен ўз хаёлим билан фикрлайман. Ўз қарашларим бор. Яна айтайми, мен мустақил озод юртнинг фуқаросиман. Мен мутлоқ янги тузум одамиман...

Бугун ХДП ҳам худди шундай. Камина унинг аъзоси. Унинг Низомини ўқиб, Дастурини ўрганиб, ўз хоҳиш иродам билан ХДП аъзолигига ўтганман. Умуман олганда, ҳар қайси сиёсий партия ҳақида баҳо бераётганда мен ўша партиянинг Низом ва Дастуридан хабардорманми, хўш унинг менга нимаси ёқмайди, деган саволни қўйишимиз керак. Улардаги камчиликлар хусусида асосли баҳо беришимиз зарур. Агар қайсидир партиянинг сиёсий фаоллиги сезилмаётган экан, бу қай жабҳаларда кўринаяпти. Низом ва Дастурнинг қайси бандлари бажарилмаяпти — далиллар ва фактлар билан исботлаб беришимиз жоиз. У партия ундай, бу партия бундай деб эмас, мен ўша партиянинг шундай ишларни қилиши тарафдориман, деган нуқтаи назар билан фикр билдирган киши адолатлидир.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва мамлакатимиз Президенти сайловларига қизғин тайёргарлик кетаяпти. Ҳар бир партия парламент депутатларига ўз аъзоларидан номзод кўрсатаяпти. Ижобий маънода, ёруғ тушунча билан айтганда 5 та сиёсий партиянинг ҳар бири парламентдан кенгроқ жой олиш, олий вакиллик органида кўпроқ иштирок этиш учун қизғин курашади. Бу ўринда Ватан ва халқ тақдири, истиқлолимиз барқарорлиги бош мезон бўлиб қолаверади. Қайсидир партия қандай йўналишни асос қилиб олмасин, ўз дастурида қайси соҳаларга эътиборини кучайтирмасин, барибир юрт ва миллат манфаати учун қандай қилсак янада яхшироқ ишлар амалга ошади, деган хулоса билан ўз ғояларини илгари суради. Шундагина демократия тамойилларининг ҳосиласи ўлароқ жамиятимизда юксалиш юз бераётганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу жараён дунёнинг барча илғор давлатларида кузатилган. Ва, демократиянинг ўқ илдизига айланган.

Ҳар бир партия жамият тараққиёти учун энг маъқул йўлни танлаши табиий. Халққа ўзи танлаган йўлнинг афзаллигини исботлаб бериши зарур.

Партиянинг мавқеи аъзоларининг сиёсий фаоллиги билан белгиланади. Кимгадир эргашиб, кўр-кўрона партия сафига қўшилган кишидан на партия, на жамият наф кўради. Ўзимиз яшаётган жамиятнинг порлоқ эртаси учун дахлдорлик ҳисси қалбимизда олов бўлиб гуриллаши лозим. Нега мен четга чиқиб қолишим керак, мана бу партиянинг дастури халқимнинг хоҳиш истагини ифодалайди-ку, шу партиянинг йўли тўғри, деган ўйни тафаккур чиғиридан ўтказганларнинг эътиқод билан ёндошуви туфайли партия онгли вакилларга эга бўлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастуридаги битилган ушбу жумлаларга назар ташлайлик.

«Сиёсий иззатталаблик ва митингбозлик стихияси эмас, балки қонун ҳукмрон бўлган жамият сари йўл — партиянинг бош йўналишидир. Партия давлат билан фуқаро бир-бирининг ҳуқуқини ҳурмат қилиб, ўзаро масъул эканликларини англаши тарафдоридир. Партия халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат билан жамият ишларини бошқаришда халқ иштирокининг ғоят хилма-хил шаклларини ривожлантириш йўлида қаттиқ туради».

Сайловлар муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси 8 октябрь куни III Қурултойини чақиради. Низомда кўрсатилган барча ташкилий масалалар кўриб чиқилади. Беш юз мингдан зиёд аъзоси бор партиянинг ҳар бир вакили қурултой қароридан воқиф бўлади. Демак беш юз мингдан зиёд сафдошимиз улкан аҳамиятга молик, катта бир сиёсий жараён арафасида турибди.

Бугун ҳар қайсимиз ўз партиямизни ёқлаймиз. Жипслашамиз. Мақсадларимиз амалга ошувининг тарафдори эканлигимизни исботлашга урунаяпмиз. Ижобий маънода кураш майдонига тушамиз. Бошқа партияларнинг шаънини ерга урмаган ҳолда ички маданият, билим ва савия мезонлари билан ошкора беллашамиз. Ва, ўз партиямизни мустаҳкам ҳолда ҳимоя қиламиз. Камина ҳам ХДП аъзоси сифатида кўнглимдан ўтаётган гапларни ёзишга журъат этдим.

Кузатган бўлсангиз, Ўзбекистон телеканалида партиямиз раҳбари билан тележурналист суҳбатлашди. Мавзу — сайловларда партияларнинг фаолияти. Яхши мавзу. Телемухбир партия раҳбарига ХДП бошқа партиялар билан курашмаётганини шама қилди. Аввало, курашиш деганда биз нимани тушунамиз? Партия учун фаол ҳаракатнинг ўзи кураш майдонига чиққанлигидан дарак эмасми? Парламент сайловида сиёсий жиҳатдан етук ҳолда ҳаракат қилиш курашмоқнинг ўзига хос усули эмасмикин? Шарқона одоб, вазминлик мулоҳаза билан иш юритиш, овозни авж пардага олиб чиқмай, аюҳаннос солмай, истак-эътиқодимизнинг юксаклигини халқимизга етказишга чоғланган партиядаги курашчанлик руҳини сезмасликни тушунишимиз қийин албатта. Партиялар орасидаги кураш Россия телевидениеси орқали кўриб турганимиз Думадагидай кечадиган бўлса, бундай кураш ҳеч қандай маъно-моҳият бермайди. Бу тахлит фазилат халқимизга ёт. Бир-бири билан ёқавайрон бўлган, бир-бирини олий минбарда туриб ҳақоратлаган, муштлашган лидерларнинг жазаваси бошбошдоқлик авжга чиққанини кўрсатади, холос. Телемухбир яна бир гапни айтди. — ХДП сафидан нега айрим кишилар чиқиб кетди?

Демократик шарт-шароитда партия сафидан чиқиш ҳар кимнинг ихтиёри. Аммо, шу ўринда аччиқ бўлса-да айтиш керак, ўша одамнинг ўзига шундай савол қўйиш лозим: хўш, партия сафидан чиқиб нега бошқа партиянинг аъзоси бўлдинг? Дастлаб ХДП сафига кираётганингда Дастурни ўрганганмидинг... Низомдан хабаринг борми? Ўшанда партияга кириш учун ариза ёзаётганингда ким сени мажбур қилганди? Ўзинг хоҳламаган, ёқламаган Дастур ёки Низомни кўра-била туриб нима сабабдан партия аъзоси бўлишга бел боғладинг? Майли, сен ўзинг сафига ўтаётган партиянинг қайси жиҳати ёқади? Уч-тўрт йилдан кейин уни ҳам ташлаб чиқмайсанми? Хўш, ХДП Дастуридан қониқиш сезмаганлигингни исботлай оласанми? Дастурда кўрсатилган мақсадларнинг қайси бирини амалга оширишда жонбозлик қилдинг? Кўнгилдан оғриқли саволлар тўкилади. Ва, ҳар биримиз имонимиз, эътиқодимиз, маслагимиз қаршисида имтиҳондан ўтамиз. Ва, ҳар биримиз мен қатъий ишонч билан қадам ташлай оламанми, ботиним мустаҳкамми, деган ўй комига чўмамиз.

«Партия ўз Дастурига қўшиладиган барча кишилар учун — динга ишонувчилар учун ҳам, дахрийлар учун ҳам очиқдир. У кенг фуқаролик мулоқоти тарафдоридир, умуминсоний маънавий ва ахлоқий қадриятлар, тинч-тотувлик ва меҳр-шафқат ҳаққи-ҳурмати учун турли эътиқоддаги диний бирлашмалар билан ҳамкорлик қилиш тарафдоридир». **(ЎзХДП Дастуридан)**

Бугун ХДП сафи юрагида ўт чақнаган, Ватан туйғуси қалбида дарё бўлиб оққан онгли кишилар билан тобора кенгайиб, кучга тўлиб бораяпти. Улар партия менга нима беради, деган тор фикрда эмаслар. Халқ ичида юриб партиямизнинг обрўсини кўтараётган, ниятларимиз билан кишиларни ошно этаётган ҳаммаслакларимиз ҳам тобора ортиб бораяпти. Улар мен партиянинг янада бардам ва баравж ҳаракатланиши учун буюк эзгу ишларни бажаришга тайёрман деган тушунчани дилга жо этишган.

Бугун ХДПнинг ҳар бир аъзоси елкасида озодлигимизни асраш юки борлигини англаб улгуришган. Ватандан ташқарида бахт йўқ, деган улуғвор туйғудан ботини ёришган ҳар бир ХДП аъзоси партиямизнинг шу Ватан обод бўлмоғи учун муносиб ўринга эга бўлишини дил-дилдан истайдилар.

Партия сафида эса эл ардоқлаган, Ватан фарзандим деб суйган улуғ инсонларнинг борлиги ҳар биримизнинг ғуруримизни оширади.

Бу партияда машҳур шоирлар, адиблар, бетакрор санъаткорлар, етук раҳбарлар, санъатимиз пешқадамлари, моҳир шифокорлар, халқ қадрлаган ўқитувчилар... хуллас ўз касбини мукаммал билган, бобрў зиёлилар бор. Улар жуда кўп.

Улуғ шоиримиз, мадҳиямиз муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шу партияда.

Яна бир қаҳрамонимиз, деҳқончилик илмининг беназир билимдони, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқов шу партияда.

Халқ артистлари, юртнинг суюкли ўғлонларининг кўпчилиги ХДП аъзоси. Халқимизнинг меҳрини қозонган кишилар донм эл томон, юрт томон, тараққиёт томон... ХДП аъзоларига ҳам ушбу қиёс ўринли.

Бўлажак қурултойда эса ХДП халқ билан бирга ва якдил эканлиги яна бир бора ўз исботини топади.

Сайловларимизда эса ХДП халқ бўлиб, унинг орзу умидлари бўлиб майдонга чиқади.

Бу кунлар жуда-жуда яқин!

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
шоир

Ўзбекистон ХДП III Қурултойи олдидан

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999 йиллар

1992 йил

11 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида баён этилган қоидаларни кенг халқ оммасига тарғиб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга махсус тарғибот гуруҳларини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сиёсий ижроия қўмита «Ўзбекистон ХДП партия ҳужжатларини ёзиш ва партия билетларини топшириш уюштириш тўғрисида» илгари қабул қилган қарорининг бажарилишини ҳамда «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти фаолиятини кучайтириш, унинг тузилмасини такомиллаштириш ҳамда моддий-маънавий аҳволни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси бўйича фикрлар кўриб чиқилди. Лойиҳа юзасидан мулоҳазаларни Республика Олий Кенгашининг Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳига юборишга қарор қилинди.

Шунингдек, Сиёсий ижроқўм мажлисида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси: муаммо ва истиқболлар» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари, «Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти фаолиятини кучайтириш, унинг тузилмасини такомиллаштириш ҳамда моддий-маънавий аҳволни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг баёни матбуотда эълон қилинди.

23 сентябрь. АҚШ Демократик партияси ишлаб чиққан анъана ва орттирган тажрибаларга асосланувчи Халқаро муносабатлар миллий демократик институтининг Ўзбекистонга келган бир гуруҳ вакиллари уларнинг илтимосига кўра Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди. Меҳмонларга мустақил республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг тинчликсевар ташқи ва ички сиёсати, ўтказаётган иқтисодий ислоҳотлари тўғрисида атрофлича ахборот берилди.

28 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини республика партия ташкилотларида кенг муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Конституция лойиҳасини муҳокама қилишни уюштириш, шунингдек конституциявий қурилишнинг сиёсий-ҳуқуқий масалаларини аҳолига тушунтиришда маҳаллий партия ташкилотларига ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, жамоатчилик вакилларидан иборат тарғибот гуруҳлари тузилиб, жойларга юборишга қарор қилинди.

Сентябрь. Ашгабад шаҳрида «Китоблар, плакатлар, газета ва журналлар санъати» XIV минтақаларо танлови ўтказилди. Унда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси «Ўзбекистон овози» танловнинг биринчи даражали дипломига сазовор бўлди.

Сентябрь. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти кенгашлари аъзоларидан иборат Ўзбекистон ХДП вакиллари Туркманистон Демократик партияси Тошҳовуз вилоят комитетига ташриф буюрдилар. Бу ерда улар сиёсий тарғибот ва ички партиявий ишлар соҳасидаги тажрибалар билан танишдилар.

7 октябрь. Матбуотда Конституция лойиҳасига таклифлар тайёрловчи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ишчи гуруҳи томонидан ҳозирланган таҳлилий мақола эълон қилинди. Мақолада олимлар ва мутахассисларга, конституциявий қурилиш муаммолари билан қизиқувчиларга ва умуман лойиҳа умумхалқ муҳокамасидан ўтаётган дамда фуқароларга масаланинг моҳиятини тушунтириш, манфаатдорлик билан фикр ва мулоҳаза юритишга ёрдам бериши кўзда тутилди.

9 октябрь. Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Р.Л. Бихатиа ҳамда унга ҳамроҳ бўлган меҳмонлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди. Ҳиндистонлик меҳмонларга партия Раиси, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ва республика ҳукуматининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, Ўзбекистон ХДПнинг фаолияти ҳақида атрофлича ахборот берилди.

20 октябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида муаммолар, республика халқ маорифи ходимлари билан ушбу партия раҳбариятининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда мустақиллик шароитида халқ маорифи олдида турган долзарб муаммолар, уни миллийлаштириш ва янада равнақ топтириш истиқболлари, бунда ХДПнинг ўрни тўғрисида гап борди.

1 ноябрь. Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг бир йиллиги муносабати билан Республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси Ислом Каримов партиянинг барча аъзоларига самимий табрик йўллади. Табрик «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида чоп этилди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Ўзбекистон Қаҳрамонлари Мавлуда Исматова билан Мансура Мадалиева ҳамкасблари даврасида.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

Устоз

Оқ-қорани қайдан билардим, сен бўлмасанг устоз-муаллим! Қўшиқ қанотида учган бу калимада олам маъно борлиги кўриниб турибди. Боиси, шарқона, аниқроғи ўзбекона бундай муносабатларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Халқимизда устози аввал, устози охир деб бежиз айтилмайди. Бу ҳаммаси бой тарихий маънавиятимизни бунёдга келтирган бобокалонларимизнинг фарзанд тарбиясига, шогирдларга алоҳида эътибор қилишганидан. Устоз кўрмаган шогирд ҳар оҳангга йўрғалар дейилишида ҳам гап бор. Қолаверса, Қуръони Карим оятларидан бири шундай бошланади: «Оллоҳумма маҳфирлий воливолидаия, волий устозия...» демак, Ота-оналаримиз устози аввал бўлишса, бизга билим берган, хатсаводга ўргатган, ҳаётда, турмушда ўзимизни қандай тутишимизни билдирган мураббий устозларимиз эса валийлар сафида турадилар, десак муболаға бўлмас. Устоз отангдек улуғ деган ибора ҳам шундан нишона бўлса ажаб эмас.

Буюк Туронда шундай устозодалар ўтганки, уларнинг номини ҳамон эъзозлаб тилга оламиз. Уларнинг исмларини фахр билан кўчалар ва шаҳарларга қўймоқдамиз. Хусусан, Уста Ширин кўчасига кирган киши беихтиёр ҳаётимизни гўзалликка буркаган ажиб ганчкорни ёдга олиши табиий. Ёки у кишининг содиқ шогирдларидан Уста Маҳмудни ким билмайди дейсиз. Демак, тарихимиз устоз ва шогирд ўртасидаги таърифу-тавсифга сиғмас шундай муносабатларга бой бўлганки, бундай меҳр-оқибат самараси ўлароқ ўзбекона ҳунармандчилик ўз самарасини берган. Айтайлик, меъморчилик санъати. Ахир ўша уста боболаримиз Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида асрлар оша кўркисаловатини йўқотмай, ўзининг ложувард гумбазлари тиниқлигини сақлаб турганлигининг ўзи устозодалар санъатидан нишона эмасми?

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўша шеърият султони Навоий, коинот сирларини очган Улуғбек ёки табобатда тиб қонунларини яратиб кетган Ибн Синолардек буюк мураббийларнинг шогирдлари бўлмаганда биз уларнинг ажиб саодатларидан баҳраманд бўла олармидик. Бу ёғини сўрасангиз, соҳибқирон Амир Темур ҳам содиқ шогирд сифатида пиринг сўзларига ҳамиша қулоқ осган.

Устоз ва шогирд билан боғлиқ бир ривоят ёдга келади. Ҳикоя қилинишича Мавароуннаҳрда йирик ҳисобланган Оқсаройнинг бунёдга келишида Амир Темур усталарни тезроқ қуришга даъват этган экан. Боиси, соҳибқирон бу бинода асосан халқаро машваратлар ўтказишни кўзлаган. Ўз даврининг моҳир усталари мўлжалдаги режани тезкорлик билан рўёбга чиқаришган. Бинонинг 40 газли баландлигида қўлбола саҳн пайдо қилиб, у ерда тоғ жилғаси-ю, чашмасидан обиҳаётни қамиш новлар орқали тортиб, фавора ўрнатилган экан. Ҳамма нарса бунёд этилиб пардозлаш ишига қўл урилади пайтда бош уста «йўқолиб» қолган. Соҳибқирон ғазабга келган, қидирув эълон қилган, нафи бўлмаган, бино чалалигича турaверган. Салкам икки йил деганда яна бош уста пайдо бўлган. Соҳибқирон уни жаллодга буюрган. Шунда уста бир қошиқ қонидан ўтишини илтижо қилиб, «йўқолиб» қолгани сирини очган. Маълум бўлишича уста кетиши олдидан юксак шипдан пастгача занжир осиб, унинг учини ерга тегар-тегмас қилиб кетган экан. Орадан вақт ўтгандан кейин қарашса занжир ерга тегиб турган эмиш. «Мана кўринг, амирим. Бино яхши ўрнашиб, жойлашибди. Бу занжирнинг ерга текканидан аён. Энди пардозлашни бошлаб юборамиз...» Мана сизга моҳир устозодалардан бирининг ўз ҳунарига бўлган меҳри ва ишнинг сифатини кўзлаши. Демак, қадимий меъморчилик обидалари узоқ йиллар мобайнида нурамай туриши ҳам шундандир балки.

Истиқлол сабаб юртимизда соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳаммаси ўқитувчи ва мураббийларга бўлган эътибор билан баробардир. Устоз-мураббийлар ёшларимиз тарбиясини бобокалонларимиз анъаналарига содиқ ҳолда тарбиялаш йўлида саъйи-ҳаракат қилишмоқда. Акс ҳолда «От минган отасини унутар» қабилида иш кўрувчилар кўпайиб кетади-я. Жомийнинг бир иборасини келтириш ўринли. «Устод, муаллимсиз қолганда замон, нодонликдан қора бўлурди жаҳон». Ёки Фаробийнинг устоз мураббийларга билдирган фикрлари ҳам диққатга сазовор: «Муаллим ўз шогирдига нисбатан ўта ҳокимликка ҳам, бўшликка ҳам йўл қўймаслиги лозим, чунки, ўта ҳокимлик муаллимга нисбатан нафрат уйғотади, агарда шогирд муаллимнинг бўшлигини сезса, унда муаллимга ва унинг ўқитаётган илмига нисбатан бепарволик ва менсимаслик пайдо бўлади».

Мирзо АНВАР

Бир ҳарф ўргатмоқ бахти

... Инсон боласи илк бора бир ҳарфни ёзмоқ, ўқитмоқни ўргатган муаллимни ҳеч қачон унутмас. Шу бир ҳарф — бошқа ҳарфларни бошлаб келади ва кўз ўнгингизда бутун бир дунё очила боради.

Элмира Жўманиёзова мана ўн беш йилдирки бошланғич таълим ўқитувчиси сифатида жажжилар меҳрини, ота-оналар ҳурматини қозонган. Урганч шаҳридаги Аҳмаджон Иброҳимов номли ўрта мактабда «Алифбе»сиз ўқитиладиган синфларни тажриба сифатида бошлаган ҳам Элмира эди.

Мактаб директори Озод Абдуллаев, илмий бўлим мудири Зумрад Машарипова ҳамда барча муаллимлар, айниқса устози — Дилором опа Абдуллаева Элмира ҳақида тўлқинланиб гапирадилар.

«Ўқитувчиликка ҳавас онам Амина Хўжаева туфайли, — дейди муаллима. — Бутун умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган онам ҳозир нафақада бўлсалар-да, кўпгина масалаларда маслаҳат бериб турадилар».

Ўтган ўн беш йиллик муддатда Элмира учинчи бора янги синфни қабул қилиб олди ва шу муддатда юзлаб жажжиларга ёзмоқ, ўқимоқ ва асосийси Ватанга муҳаббат руҳини сингдирди.

«Халқ маорифи аълочиси», олий тоифадаги ўқитувчи Элмира Жўманиёзова бугунда шогирдлари — ўқувчиларга юртимизда истиқлолдан сўнг амалга оширилаётган ишлар кўлами, улкан бунёдкорлик жараёни ва юртбошимизнинг ёш авлодга катта эътиборининг самараси нималарда эканлигидан сабоқ бермоқда.

Саъдулло БОБО

Мактабга эътибор — келажакка эътибордир

Ислоҳот ва таълим

Шароф Рашидов тумани ҳокими ташаббуси билан тумандаги барча мактаблар учун ҳокимият стипендиялари жорий этилди. Бу стипендиялар ўқув дастурларини ўзлаштиришда энг юқори кўрсаткичларга эришаётган ўқувчилар учун ҳар ой якунида бериб борилади.

Яқинда мухбиримиз Шароф Рашидов туманида бўлиб, туман ҳокими Рустам Элтоев билан мулоқотда бўлди.

— Рустам Элтоевич, ҳар қандай хайрли ишнинг аввали бор, дейдилар. Мактабларнинг аълочи ўқувчилари учун ҳокимлик стипендиялари жорий этиш ташаббуси қай тарзда пайдо бўлди?

— Шу йил апрель ойида халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида бундан буён туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари ҳар ҳафтада биттадан мактабга боришлари ва амалий учрашувлар ўтказишлари ҳақида қарор қабул қилинган эди. Шунга кўра, биз белгиланган тадбирлар асосида, навбатма-навбат мактабларимизда бўлиб ўқув-тарбия ишлари билан яқиндан танишиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга жиддий киришдик. Усмон Юсупов номли 14-ўрта мактабда бўлиб ўтган самимий, очиқ мулоқот жараёнида мактабларга стипендиялар жорий этиш масаласи кўтарилди. Бу масалани ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ эканлигини англадик. Бизнинг мактаб учун стипендия жорий этиш ҳақида қарор қабул қилганимизни эшитиб, ана шу учрашувда иштирок этган хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари, фермер хўжаликлари бошлиқлари ҳам ўзларининг стипендиялар бериб бориш ҳақидаги яқдил фикрларини маълум қилдилар. Шу тариқа биргина 14-ўрта мактаб аълочи ўқувчилари учун 15 та стипендия жорий этилди. Кейинчалик Ибн Сино номли, Беруний номли, А. Навоий номли мактабларда ўтказган учрашувларимизда ҳам ана шу мактаблар учун 10-15 тадан стипендиялар жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Биз тумандаги ҳар бир мактаб учун камида 10 тадан стипендия бериб бориш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз. Бизни фаолларимиз, тадбиркорларимиз, қўллаб-қувватлаб туришибди. Шу ўринда «Шаҳрисабз» ва «Ғалаба» кичик корхоналари, А. Қодирий номли, «Фарғона», «Ҳосил», «Дилором» фермер хўжаликлари келажагимиз ворислари бўлган фарзандларимизга беминнат ёрдам қўлини чўзганликларини алоҳида таъкидлайман.

— Кўриниб турибдики, туманда мактаблар ва оталиқ ташкилотлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бу жараённи янада чуқурлаштириш зарур.

— Албатта, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида мактабларимиз оталиқ ташкилотлари ёрдамидан кўпроқ умидвор бўлмоқдалар. Мана айни пайтда долзарб бўлиб турган мактабларни таъмирлаш масаласини олайлик.. Бюджетдан лимит асосида кўпи билан 800 минг сўм атрофида маблағ ажратилиши белгиланган. Мавжуд 22 та мактабимиз учун бу маблағ жуда кам. Лекин айрим мактабларимиз бюджетдан маблағ ажратилмаса-да, таъмирлашни тўлиқ амалга оширдилар. Масалан, 21-лицей-мактабимизда таъмир ишлари ўқув йили охири арафасида сифатли якунланди. Барча эшик-дераза ромлари, поллар бўялди, деворлар оқланди.. Оталиқ ва ҳомий ташкилотлар, саховатпеша ота-оналар кўмагида бошқа мактабларимизда ҳам таъмирлаш ишлари сифатли амалга оширилди. Ҳ. Олимжон номли мактаб педагогик жамоасининг ота-оналар билан бўлиб ўтган умумий йиғилишида мактаб таъмири учун 120 минг сўмдан ошиқ маблағ тўпланиши ҳақида қарор қабул қилинди. Бундай амалий учрашувлар туманимиздаги ҳамма мактабда бўлиб ўтди, уларда раҳбар ходимларимиз, фаолларимиз иштирок этишини таъминладик.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 январдаги «Дарсликлар ва ўқув адабиётларини сотувга чиқариш тўғрисида»ги қарорининг ҳаётга тадбиқ этилишида ҳомий ташкилотлар ёрдами ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мана қўлимда мактабларимизнинг дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш жадвали. 1-4 синфлар учун 29756 та, 5-9 синфлар учун 64386 нусха, 10-11 синфлар учун 25661 нусха китоблар сотиб олинган. Бу мактабларимиз деярли тўлиқ дарсликлар билан таъминланган, деган гап. Ана шу китобларни олишда ҳомий ташкилотлар катта кўмак кўрсатдилар. Жами 519 минг сўмлик дарсликлар бевосита ҳомийларимиз ҳисобидан олинди. «Пахтаобод» ва «Деҳқонобод» пахта тозалаш заводлари, 24-қурилиш ташкилоти, кимёлаштириш идораси, туман таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси, туман касаба қўмитаси, «Почта» алоқа бўлимларимизнинг бу борадаги ҳимматларидан ҳамма мамнун.

Албатта, мактаблардаги муаммоларни тўлиқ бартараф этиш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Спорт залларини таъмирдан чиқариш, иссиқлик тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, малакали ўқитувчилар сонини ошириш бўйича кенг қамровли вазифалар турибди. Лекин бизнинг мактабларимизни мукаммаллаштириш борасидаги ҳаракатларимиз асло сусаймайди, имкониятларимиз, шарт-шароитларимиз етарли.

Суҳбатдош:
Бобо САРОЙИ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Инсоф тарк этмасин»

Бухоро туман ҳокимлиги асосий эътиборни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, кам даромадли оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратмоқда.

Шунга қарамасдан айрим раҳбарларнинг ишга масъулиятсизлиги, ўз вазифасига лоқайдлиги учраб турибди.

Газетанинг 1999 йил 1 июнь сонида чоп этилган «Инсоф тарк этмасин» сарлавҳали мақолада билдирилган камчиликлар туман ҳокимлиги томонидан аниқланиб, сабабчиларга нисбатан аниқ чоралар кўрилди. Мактуб ёзган Эркин Йўлдошевнинг талаби ижобий ҳал қилинди. Унинг оиласига ҳомийлик йўли билан бепул янги телевизор берилди. Бундан ташқари Эркин Йўлдошевнинг операция қилинган бемор фарзанди муолажасини тағин давом эттириш мақсадида туман ҳокимлигига қилган мурожаати тўла қондирилиб, унга Тошкентдаги «Семашко» санаториясига бепул йўлланма берилди.

Туман ҳокимлиги бундай камчиликларнинг такрорланмаслиги учун аниқ чора-тадбирлар белгилади ва шу асосда раҳбарларга вазифалар юклади.

Бухоро туман ҳокими
Н. ПЎЛАТОВ

Меҳнатнинг ширин нони

Қашқадарё вилоят ихтисослашган акционерлик-тижорат «Пахта банк» бошқармаси бошлиғи Исмоил Юнусов бу ҳақда шундай дейди:

— Бугун юртимиз далалари ҳосилга тўла. Уни териб олиш учун шижоатли меҳнат давом этмоқда. Вилоятимиз деҳқонлари мамлакат хирмонига 420 минг тонналик ўлуш қўшишга аҳд қилишган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қатъий амал қилинмоқда.

Биринчи беш кунлик якунларига кўра 143 млн. 574 минг сўм, иккинчи беш кунлик якунларига кўра 450 млн. 980 минг сўм нақд пул теримчи ва механизаторларга тўланди.

Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш назоратни кучайтиришни тақозо этади. Чунки теримга аталган пуллар бошқа мақсад учун ишлатилмаслиги лозим. Шу ўринда бир тажрибани айтмасак бўлмас. Қамаши туманидаги «Фарғона» жамоа-ширкат хўжалиги санацияга тушган эди. Биз хўжаликни иқтисодий кўтаришга ёрдам бердик. Электрон ҳисоблаш машиналарини қарзга бериб, ҳисоб-китобларни тўла компьютерлаштирдик. Энди ўн кишининг ишини битта ҳисобчи бажармоқда. Бу йил 2700 тонна пахта сотишга аҳд қилган пахтакорларнинг теримдаги натижаларини ҳисоблаш ва ҳақ тўлаш ниҳоятда қисқа вақтда амалга оширилмоқда. Келгусида бу усул бошқа хўжаликларда ҳам жорий этилади. Хулоса шуки, бугун ҳаммамиз пахтакорга ҳамкор ва мададкормиз.

Ҳа, меҳнатнинг нони ширин. Далаларда фидокорлик кўрсатаётган теримчилар ўз вақтида рағбатлантирилиб борилар экан, муваффақият тайин. Бу ҳақда Китоб туманидаги Шодмон Умаров номли хўжалик вакиллари шундай фикрлашди:

Ғ. Махадов, хўжалик раҳбари: — Бу йил 450 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни 30 центнерга етказишни режалаштирганмиз. Пахта топшириш режаси 65 фоиздан ошди. Ҳар куни 3,5-4 фоиз миқдорида пахта тайёрлаяпмиз. Пешқадамликнинг боиси шундаки, теримчилар ўз вақтида ҳақларини олишмоқда.

Д. Неъматова, пудратчи: — Шартли суғориладиган 8,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтариб, режани бажардик. Яна 5-6 тонна пахта бор далада. Терилган пахтага ўз вақтида ҳақ тўланаяпти.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Вилоятда биринчи

Ўртачўл мавзесининг янги ўзлаштирилган қўриқ ерларида деҳқончилик қилаётган «Янгиқудуқ» жамоа хўжалиги чўлқуварлари нафақат Қизилтепа туманида, балки Навоий вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Эл хирмонига 700 тонна ўрнига 750 тоннадан ортиқ чўл дурдонаси тортиқ этилди. Айни пайтда мажбурият ҳисобига хомашё топшираётган «Янгиқудуқ»ликлар ялпи хирмонни 1000 тоннага етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ёвузлик

ёхуд халқаро терроризм ва унинг мудҳиш жароҳатлари ҳақида

Иккинчи мақола

- Ҳаётга носоғлом муносабат
- Қуйидиргига ўхшаган дард
- Нима бу? Разолатми?
- Яширинб келиб орқадан пичоқ уриш...

4. Терроризм қурбонлари

1985 йил Ҳиндистон ҳаво йўлларига қарашли «Боинг - 747» самолёти Сиқх экстремистлари томонидан портлатиб юборилди. Оқибатда 359 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмди.

1988 йил АҚШнинг «Пан Американ» самолёти Шотландиянинг Локерби шаҳри устида портлатилди ва 270 нафар йўловчи умрига зомин бўлинди.

Перуда 1988 йилгача 12 минг киши терроризм қурбони бўлишди.

1993 йилнинг февраль ойида Нью-Йоркдаги 110 қаватли жаҳон Савдо марказида портлаш содир этилди. Натижада 6 киши ҳаётдан кўз юмди, 1000 дан зиёд киши оғир жароҳат олди.

Биргина 1994 йилнинг ўзида жаҳон миқёсида 321 та террористик ҳаракат содир этилган.

1994 йилнинг июлида Исроилнинг Буэнос-Айресдаги Маданият маркази портлатилди. Натижада 100 киши ҳаётдан кўз юмди, 200 дан зиёд киши оғир жароҳат олди.

1995 йили Япония метрополитенида портлатиш содир этилди ва шунинг оқибатида 12 нафар ҳайдовчи бевақт оламдан ўтди, минглаб йўловчилар саломатлигига оғир жароҳат етди.

1995 йил жазоирлик экстремистлар Парижни тўрт ой мобайнида террор таҳликаси ичида тутиб туришди. Метрополетин ва Юлдузлар майдонида портлатиш содир этишди. Париж - Лион йўналишида қатнайдиган поездни портлатиб юборишга уринишди. Натижада 7 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, 100 га яқин киши жиддий жароҳат олди.

1996 йил Саудия Арабистонидаги Хобар биноси портлатиб юборилди. Натижада АҚШнинг 19 нафар ҳарбий хизматчиси ҳаётдан бемаврид кўз юмди.

1997 йили Мисрнинг Луксор шаҳрида сайёҳлар автобуси портлатилди. Ва 45 нафар хорижлик сайёҳ ёвузликнинг қурбони бўлишди.

1998 йили АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида портлатиш содир этилди. Оқибатда 250 киши умри завол топди, минглаб инсонлар оғир жароҳат олишди.

1992 йилдан то шу кунга қадар Жазоирда 35 мингдан зиёд киши терроризмнинг қурбони бўлди.

1999 йилнинг 16 февралида Тошкентда Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни босиб олиш мақсадида террористик акт содир этилди. Беш жойда содир этилган портлатишлар оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсон умри хазон бўлди, 128 киши саломатлигига зарар етди.

Бу мудҳиш йўқотишлар террорчилик ҳаракати ва унинг беомон ҳамласи оқибатларидир.

Терроризм ҳеч қачон миллат ва дин, чегара билмаган.

Террорчилик ҳаракати нечоғлик ёвуз, тажовузкор шаклларда намоён бўлмасин, шуни содир этган, унинг тепасида турган қора кучнинг қудратини белгиламайди, аслида бу ожизлик, нотавонлик, ҳаётга носоғлом муносабат аломатидир.

5. Ёвузлик чегара билмайди

Адолат ва эзгуликнинг тарафдорлари қанча кўп бўлса, ёвуз ишга бош қўшадиган, қабоҳат йўлида бирлашиб кетадиган кимсалар ҳам оз эмас. Эҳтимол, шунинг учундир, ёвузлик ҳам эзгулик билан ҳамиша ёнма-ён яшаб келади. Ва ҳар қандай ёвузликнинг замирида ётган қандайдир омиллар бўлади. Америкалик журналистлар Ислом дини номидан иш кўраётган террористик оқим раҳнамоси деб Ўсама бин Ладенни айтишмоқда ва у бош бўлган ҳаракат бу қадар ўсиб кетишига асосий сабаб сифатида бундан йигирма йил аввал бошланган Афғонистон урушини кўрсатишмоқда. Эҳтимол, шундайдир, аммо ҳақли бир савол туғилади: нима, афғон уруши учун боткенликлар, доғистонликлар айбдорми?

Масаланинг моҳиятига қайси кенгликдан ёндашманг, барибир, бу - террор. Улар ўз муддаосини қандай ифодаламасин, қандай байроқ остида ҳаракат қилмасин, қатъий назар, буни бошқача изоҳлаб бўлмайди. Ҳатто бу ҳаракат замирида айрим давлатларнинг ўз сиёсатини «импорт» қилиш муддаоси яширин бўлиши ҳам мумкин.

Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи доктор Абдуллонинг фикрича, Афғонистоннинг толиблар назорати остидаги ҳудудларида террористлар тайёрлайдиган кўплаб базалар мавжуд. Аммо мавжуд маълумотларни таҳлил этганда, Афғонистондаги базалар террористларни саралаш ва тайёрлаш занжирининг битта халқаси эканлиги ойдинлашади.

Жангариларни тайёрлаш учун Афғонистон тасодифан танланганми йўқ, дейди доктор Абдулло, бизнинг мамлакат ўзининг иқлими, топографияси ва бошқа жиҳатлари билан бунга жуда мос тушади.

Ҳарбий базаларни Покистон, Саудия Арабистони, шунингдек, бадавлат толиблар моддий маблағ билан таъминлаб келади. Масалан, бугунги кунда «№ 1 террорист» деб номи тилга олинаётган ва айни дамда Афғонистондаги базаларнинг биридан бошпана топган Ўсама бин Ладен асосий раҳнамо саналади. Толибларнинг ўзлари ҳам бу базаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашаётганини яшириб ўтиришмайди.

Бундан ташқари, базаларни сақлаб туриш учун катта миқдордаги маблағ Афғонистон ҳудудида етиштириб сотилаётган гиёҳванд моддалардан келиб тушади.

Жангарилар аввалига Покистонга келишади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Покистон ўзига хос тақсимот нуқтаси ҳисобланади. Улар Покистонда маълум бир танлов ва руҳий тайёргарликдан ўтишади. Кейин танловдан ўтган жангарилар Афғонистонга жўнатилади.

Ҳарбий тайёргарлик бир неча ой давом этади, аммо шу қисқа вақт ичида кўнгиллилар оддий жангари эмас, балки профессионал террористга айланади.

Террористларни тайёрлайдиган инструкторлар масаласига келсак, дейди доктор Абдулло, айримларини истисно қилганда, уларнинг аксарияти Покистон разведка бошқармаси хизматчиларидир. («Сегодня» газетаси, 1999 йилнинг 16 сентябри).

Террористлар сафига қўшилаётганлар - табиатан қонхўрликка мойил ваҳшийлар ёхуд жиноят кўчасига алдаб олиб кирилган, қонундан қўрқувчи кимсалар, аламзадалар, ёлланган жангарилар, содда қилиб айтганда, орқага қайтишга имкони йўқ жиноятчилардир.

«Сандри телеграф» (Буюк Британия) газетаси ёзишича, Доғистонда жанг пайтида катта лейтенант, ҳарбий врач Эдуард Белан жароҳатланади ва террористлар қўлига асир тушади. Жангарилар аввалига унинг икки қўлини кесишади, вужудини қиймалашади, шунда ҳам жони бор, агар вақтида унинг олди олинмаса, аъзойи-баданни заҳарлайди ва ҳалокатга олиб боради.

Терроризм ҳам шу бедаво дардга ўхшайди...

Москва шаҳридаги Кашир шоссесида содир этилган террористик акт оқибатлари ҳақида «Труд» газетаси шундай ёзади: **«Эрталаб соат 5 да кунпаякун бўлган уй вайроналари остидан аёл ва унинг тўрт ойлик гўдаги жасади топилди. Она ва бола ёнма-ён ётар эди».**

Тош юракни ҳам ларзага соладиган манзара...

Газетанинг ёзишича, Доғистондаги жанг пайтида катта лейтенант, ҳарбий врач Эдуард Белан жароҳатланади ва террористлар қўлига асир тушади. Жангарилар аввалига унинг икки қўлини кесишади, вужудини қиймалашади, шунда ҳам жони узилмаганлигини кўргач, отиб ташлашади...

Врачнинг ортида хотини, уч яшар қизалоғи қолиб кетди.

Нима бу - ваҳшийликми? Қонсирашми? Ва ёки разолат?

Чеченистондаги жангарилар халқаро «Жиҳод» террористик оқимининг «Кавказ фронти»га дахлдор, - деб ёзади газета. - «Жиҳод»нинг асосий раҳнамоси номи чиққан террорист саудиялик Ўсама бин Ладендир... Унинг ортида эса, америкалик эксперт Юсуф Боданскининг фикрича, Афғонистондаги «Толибон» сингари «Жиҳод»ни ҳам ўз таъсир доирасига олишга уринаётган Покистон турибди.

Мавжуд маълумотларга кўра, Шомил Басаев ҳам 1994 йили Покистон ва Афғонистонда махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтган. Ўша кезлар Покистон разведкасининг махсус ходимлари у билан алоҳида иш олиб борган.

Бир йилдан сўнг эса, бин Ладен унга ўзининг шахсий эмиссари, «оловли ҳудуд»ларда катта жанговар тажриба орттирган Ҳаттобни бириктириб қўяди. Ҳаттоб ўзи билан Чеченистонга саудиялик ва мисрлик жангарилардан ташкил топган иккита йирик тўдани ҳам бошлаб келади.

Россия ҳудудида террористик ҳаракатлар уюштириш режаси, Юсуф Боданскининг фикрича, анча илгари ишлаб чиқилган, аммо 1997 йилгача жангарилар ўзларини тийиб келган. Бин Ладен ва унинг покистонлик ҳомийлари ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олгач, бу қабиҳ режа амалий тус олди. 1997 йилнинг кузида ўтказилган, айтиш керакки, катта миқёсдаги йиғилишда улар ўзаро келишиб олишган. 1998 йил эса, бевосита амалиётга ўтиш тўғрисида аниқ тўхтамга келишган. Шундан сўнг орадан бир ой ўтиб, чеченистонлик жангарилар вакиллари Қандаҳорга борган ва террористик ҳаракатларни бошлаш ҳақида қатъий топшириқ олишган. Шу йил март ва апрель ойига келиб, дастлабки босқич - кучларни, жумладан, жангариларни ҳамда қурол-яроғни асосий ҳудудларга тақсимлаш иши ниҳоясига етган.

Халқаро террористлар бундан кейин ҳам Россия ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатларини, террорни давом эттириш хавфи йўқ эмас, чунки уларнинг асосий муддаоси Кавказга ҳукмронлик қилишдир. Халқаро «Жиҳод»нинг раҳнамолари Кавказдаги табиий бойликларга, хусусан, нефть заҳираларига эгалик қилишни ва шу тариқа ғарб давлатларига ўз таъсирини ўтказишни кўзлаб турибди. Албатта, бу хавф АҚШни ҳам четлаб ўтмайди, дейди Юсуф Бодански, бу таҳ-диднинг олдини олиш учун **бугунги кунда террористик ҳаракат билан юзма-юз турган мамлакатлар ўзларининг кучларини зудлик билан бирлаштириши лозим,** деб ҳисоблайди у.

Шу нуқтаи назардан қарасангиз, халқаро терроризм, унинг узоқни кўзлаган ва чуқур ўйлаган сиёсати ҳақидаги тасаввур янада ойдинлашади. Албатта, бу ёвуз режанинг этагидан тутганлар шу разил муддаога эришиш учун ҳеч балодан тап тортмайди, чунки улар фақат қўрқитиш, даҳшат солиш учун эмас, балки навбатдаги тажовузларга асқотадиган моддий асосларни қўлга киритиш учун шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилмоқда, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкмоқда. Бу ҳаракатда Ислом дини бир ниқоб, холос.

6. Ҳеч кутилмаган тажовуз

Террористик ҳаракатнинг тажовузкор ҳамласи шуни кўрсатмоқдаки, улар Россияда ҳам, Америкада ҳам, умуман, дунёнинг исталган бошқа бир мамлакатида даҳшатли портлатишлар содир этиши, бегуноҳ инсонлар, норасида гўдаклар умрига зомин бўлиши, тинч ва осойишта ҳаётни бузиб ташлаши ҳеч гап эмас.

Маънавият

Бир томондан, дўппидек тор ер курраси учун бу умумий офат бўлса, иккинчи томондан у бизнинг ҳаётимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ...

Террор, содда қилиб айтганда, яшириниб келиб орқадан пичоқ санчишга ўхшайди.

Жон Кеннеди ҳаётига суиқасд ёдингиздадир?!.

Анвар Саодат парад қабул қилиб турган бир пайтда отиб ташланган.

Она-бола Индира ва Ражив Гандилар-чи?

Исҳоқ Рабинга жамоатчилик ичида суиқасд қилинган...

Бундай ногаҳоний тажовузлар, халқаро терроризм ва унинг аянчли жароҳатлари, турли халқлар бошига солаётган кулфатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин, лекин бу билан масаланинг моҳияти ўзгармайди. Гап шундаки, бу ҳаракатни зимдан ёки ошкора қўлловчилар, ич-ичидан унга ҳайрихоҳ бўлганлар йўқ эмас. Гарчи ҳаётда ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши лозим бўлса-да, мунофиқлар уларни «сиёсатдан жабр кўрган», «исломпараст» деб ва ёки бошқа баҳоналарни рўкач қилиб оқламоқчи бўлишади, улардан манфаат кўришдан умидвор бўлганлиги ёхуд молиявий наф келиб турганлиги учун ўзларини гўлликка солиб аюҳаннос солишади, сувни лойқалатишади...

Нима бўлганда ҳам, бир ҳақиқат кун сайин ойдинлашмоқда. Инсоният XX асрнинг охирига келиб Президент Ислом Каримов айтганидек, **диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталангани, баъзан эса, ҳатто хавфсирагани ҳам кўзга ташланмоқда.**

Ғаффор ҲОТАМОВ,
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Акуласимон китлар муҳофазаси

Қувайт атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамияти балиқчиларни Амирлик қирғоғида сузадиган акуласимон китларни тутишни таъқиқлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, уларни овлаш, доимий равишда таъқиб остига олиш, акуласимон китларнинг денгизда эркин сузишига ва кўпайишига ёмон таъсир кўрсатаётган экан.

Қувайт атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамияти раисининг фикрига қараганда, акуласимон китлар инсон ҳаётига ҳеч қандай зарар кўрсатмайди, аксинча инсонлар уларни кўп миқдорда овлашмоқда. Агар бу ҳол шу тарзда давом этаверса, денгизнинг бу нодир жониворлари батамом қирилиб кетиши мумкин.

Президент баёноти

Франция ҳукумати Руминия Европа Иттифоқига қабул қилинишининг тарафдори, деб баёнот берди Президент Жак Ширак. У Руминия Президенти Эмил Константинеску билан учрашиб, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда ЕИнинг кенгайиши масалалари юзасидан фикр алмашди. Руминия айни пайтда ЕИга аъзо бўлиш борасидаги талабларни қутилганидан ҳам юқори даражада бажармоқда. Мамлакат иқтисодиёти ҳам изчил ривожланиб бораётир, — деди Ж. Ширак.

10 кунлик сафар

АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэннинг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларида ўн кунлик сафари бўлиб ўтмоқда. У ташриф доирасида Австралия, Индонезия, Таиланд, Сингапур ҳамда Филиппинда бўлиб, мазкур мамлакатлар раҳбарлари билан музокаралар ўтказади.

Пентагон расмий вакилининг айтишича, учрашувларда томонлар ўзаро алоқаларни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик, Индонезияда демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши, шунингдек, Шарқий Тимордаги вазият ва у ерда халқаро тинчликни сақлаш кучлари фаолияти масалалари юзасидан фикр алмашади.

Вазирлар истеъфоси

Индонезияда бирваракайига етти нафар вазир истеъфо берди. Ҳозирча уларнинг нима сабабдан қутилмаганда бундай қарорга келиш сабаблари аниқ эмас. Бироқ қузатувчиларнинг таъкидлашича, вазирларнинг вазифасидан кетишига сабаб, мамлакат президенти Юсуф Ҳабибийнинг айни пайтдаги ҳукуматни тутиб туриши ҳамда ноябрь ойида ўтказиладиган президент сайловларида ғолиб чиқишига бўлган ишончсизликдир. Шунингдек, қузатувчилар Шарқий Тимор можароси ва молиявий соҳаларда юзага келган айрим келишмовчиликлар сабаб мамлакат президентининг обрўсига анча путур етганини айтмоқда.



Бугунги Голландия. *Владимир ПАНОВ олган сурат*

Бараканинг боши — уруғда

Охирги йилларда ер юзидаги мавжуд 220 га яқин мамлакатнинг қарийб 80 тасида пахтачилик ривожланган. Ўзбекистон Республикаси пахта хомашёси ишлаб чиқариш бўйича Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Покистондан сўнг бешинчи ўринни эгаллайди.

Мустақиллик даврида пахтачиликнинг самарадорлигини оширишда сезиларли ишлар амалга оширилди. Аммо эришилган ютуқлар бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беролмайди. Тармоқ ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлиги ва унга ҳақ тўлаш, пахта хомашёси ва толасини сотиш баҳолари пахтачиликда илғор мамлакатларга нисбатан паст даражада қолмоқда. Масалан, Исроил, Австралия ва Калифорнияда ҳар гектаридан 16-18 центнер ва ундан юқори пахта толаси олинмоқда. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 7-8 центнерга тўғри келади, холос.

Ҳар гектардан мўл ва сифатли тола олишга объектив ва субъектив шароитлар ҳамда омиллар таъсир этади. Улардан энг муҳимлари потенциал даражаси юқори ғўза навларини яратиш, уларни интенсив технология асосида ўстириш, ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни таъминлашдир. Ана шу ва бошқа шу каби муаммолар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «Тезпишар, истиқболли ғўза навларининг агротехникаси ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги» рисоласида баён этилган.

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Остон Жалилов раҳбарлигида яратилган тезпишар: «Юлдуз», «Меҳр», «Меҳнат» ва «Хазина» ғўза навларининг келиб чиқиши, уларнинг интенсив агротехникаси ва иқтисодий самарадорлигига оид кўп йиллик экспериментал ишлар, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг амалий натижалари кенг ёритилган.

Рисола муаллифлари О.Жалилов, И.Бўриев, М.Қувоқовнинг таҳлили бўйича охирги йилларда Ўзбекистонда ғўза навларини такомиллаштириш бўйича самарали ишлар бажарилган. Республикада 1998 йили 20 дан ортиқ истиқболли ғўза навлари экилган. Уларнинг ичида Ўзбекистон Фанлар академиясининг генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари томонидан яратилган юқорида кўрсатилган навларни экиш кўпчилик пахтачилик хўжаликларида ва туманларида яхши самара бермоқда. Бу навлар қўшимча харажатсиз, гектаридан 15-20 фоиз кўпроқ тола беради. Уларнинг вегетация даврининг бошқа навларга нисбатан 10-15 кунга қисқалиги ялпи ҳосилни қисқа муддатларда териб олишга, кузги-қишки ишларни сифатли қилиб бажаришга шароит яратади.

Китобчада пахта хомашёсини давлат томонидан харид қилиш, унинг толасини ички ва ташқи бозорларда сотишни такомиллаштириш масалалари бўйича ҳам тавсиялар берилган. Жумладан, гектаридан ҳосилдорликни фақатгина хомашё ҳолида эмас тола ўлчовида ҳам аниқлашнинг аҳамияти, Ўзбекистонда аграр секторнинг ролини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик Фанлар академиясини тиклаш зарурлиги, пахта хомашёси ва толасини эркин нархларда сотишни амалга ошириш алоҳида ўрганилган ва бошқа муҳим масалалар бўйича мулоҳазалар берилган.

Умуман олганда рисолада баён этилган муаммолардан оқилона фойдаланиш агросаноат тармоқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий самарадорлигини янада оширади. Бинобарин, уни ўқиб чиқиш пахтачиликнинг жонкуяр забардаст инсонларига моддий ва маънавий озуқа беради.

Муртазақул ҲУСАНОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессори.
Абди ЭРКАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди

«Мураббий» ўйланмаси

Ёйлар бўйича марказ томон: 1. Ўқув машғулотларини олиб борувчи мутахассис. 2. Қадимий ёзув анжоми. 3. Ватанимизда сўнгги йилларда ташкил этилган махсус ўрта ўқув юрти тури. 4. Арастудан сўнг «Иккинчи муаллим» номи билан танилган Ўрта осиёлик қомусий аллома. 5. Абу Али ибн Синога илк устоз бўлган ўз даврининг илм соҳиби. 6. «Одиссея», «Илиада» достонлари муаллифи, қадимги юнонларнинг афсонавий шоири. 7. Бирор қоиданинг тўғрилигини бошқа маълум қоидалар асосида далиллар билан тасдиқлаш усули 8. Шодиёна маросим. 9. Фаннинг маълум бир соҳасига оид ўқув қўлланма. 10. Алишер Навоий болалик даврида ёддан билган «Мантиқ ут-таир» («қушлар сўзи») достони муаллифи, Ўрта аср форс-тожик мутафаккир шоири. 11. Хулқ-атвор маросимлари мажмуи, адаб. 12. Қадимги юнон математик олими. 13. Кўп жилдлик «Набиралар, подшоҳлар ва ҳалифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғи» тарихий асари муаллифи, Ўрта шарқ муаррихи. 14. Ўқишёзишдан хабардорлик. 15. Сўз туркуми. 16. Қадимий Шарқ мамлакатларига хос олий ўқув юрти маскани. 17. Ўзбек шарқшунос олими, филология фанлари доктори. 18. Халқ оғзаки ижоди тури. 19. Мақолдан: «Ақлнинг ўлчови — ...». 20. Илдиз чиқариш амали ва унинг натижасини ифодаловчи математик белги. 21. Фазовий нисбат, шакллар ва уларнинг умумлашмаларини ўрганувчи математика фани бўлимининг қадимий атамаси. 22. Билим манбаи. 23. Ёзув ашёси. 24. Давлатимиз мустақиллиги йилларида қайта тикланиб, қарор топаётган анъаналар. 25. Саломатликни сақлаш ва даволанишга оид билим ва соҳалар мажмуи. 26. Фан, маданият соҳасида танилган киши. 27. Жўғрофиядан ўқув қуроли. 28. Мақом мулкининг султони, мусиқа санъати билимдони ва устоз ижрочиси. 29. «Қуръони карим»нинг еттидан бир қисмдан иборат қўлланмаси. 30. Халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикматли сўз мажмуи. 31. Ижодий ғайрат жўш урган ҳолат. 32. Мусулмон оламига машҳур устоз, муҳаддис бўлган ватандошимиз.

Муаммонома: Қуйида тарифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Ўқув машғулоти — 17,2, 13, 10.

2. Моддаларнинг таркиби ва ҳоссаларини ўрганувчи фан — 18, 7, 1, 15.

3. Инсоннинг идроқ этиш, тушуниш қобилияти — 12, 9, 8, 4.

4. Радиоактив элементларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган нурнинг бири ифодаланадиган юнон алифбосидаги ҳарф — 6, 2, 1, 1,2

5. Кишининг обрў-эътибори — 14,2,17,13

6. Ўтмишда болаларни ўқитган аёл — 11,3,7,4

7. Онг тушунча сўзларининг китобий атамаси. — 16,5,5,13

Энди очқич сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларни таллуқли сўзлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан ёй қаторлари бўйича ўқиш билан шарқ халқ ҳикматларидан бирини билиб оласиз.

Тузувчи
Фозилжон Орипов.

«Тарихий номлар» ўйланмаси жавоблари

Ёйлар бўйича марказ томон: 1. Балосоғун. 2. Замонбобо. 3. «Зафарнома». 4. Самарқанд. 5. Расадхона. 6. Яккасарой. 7. Лабиҳовуз. 8. Қозикалон. 9. Қорасарой. 10. Зирабулоқ. 11. «Акбарнома». 12. Модарихон. 13. Қарағанда. 14. Ҳирадман. 15. Фарвардин. 16 Далварзин.

Ёйлар бўйича: 17. Кеш. 18. Шош. 19. Шероз. 20. Забар. 21. Работ. 22. Тус. 23. Сарахс. 24. Сайрам. 25. Макка. 26. Ажам. 27. Музофот. 28. Турон. 29. Насаф. 30. Фиқҳ. 31. Ҳаким. 32. Мисқол. 33. Лавх. 34. Ҳамал. 35. Луристон. 36. Нақл. 37. Лабзак.



ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Янги хиёбон

Тахтақорачи довонининг энг тепасидан разм солсангиз, қуйида ям-яшил боғлар бағридаги Китоб пешвоз чиқа бошлайди. Довоннинг бошланишида беқасамдек товланаётган мармар қопланган маҳобатли дарвоза қурилган. Дарвозадан ўтиб, йўлда давом этсангиз сув сочаётган фавворали хиёбонга кўзингиз тушади.

Гуллар ва дарахтлар ўтқазилган хиёбоннинг қоқ ўртасида миллий кийимдаги ўзбек паҳлавони аждарнинг жағларини йиртиб ташлаётгани ҳайкалда акс эттирилган. Ёвуз маҳлуқ тўлғанади, бўғзидан олов ўрнига... сув пуркайди. Маҳаллий ҳайкалтарош бу орқали «юртимизга ҳамла қилган ҳар қандай ёвуз куч маҳв этилади», деган фикрни ифодалаган. Бу ҳайкал ва янги хиёбонни тумандаги 76-автотранспорт ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўз кучи билан бунёд этди.

(Ўз мухбиримиз)

BANK XALQ BANKI

DAVLAT-TIJORAT XALQ BANKI — STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK

Халқ банки — халқ хизматида

Диққат янгилик!

Омонатларга қўйилган бўш пул маблағларингиз бўйича 1500 фоизгача даромад олишни истайсизми?

Бундай имкониятни Сизларга фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки яратиб беради.

Халқ банки 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб

«Жамғарма»

ютуқли омонатини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга 5000 сўм маблағ қўйиб, ҳар ойда 1000 сўмдан мунтазам равишда қўшимча бадал қўйиб борсангиз, мазкур омонат бўйича бир йилда икки марта ўтказиладиган ютуқлар тиражи якунига кўра омонат қолдиғининг 1500 фоизигача бўлган пул ютуқларига эга бўлишингиз мумкин.

Бу омонат тури бўйича 1500 фоизгача бўлган ютуқ даромадларидан ташқари, очилган ҳар бир ҳисоб варақасига, қўшимча равишда, қўйилган жамғармалар бўйича йиллик 5 фоиз миқдорида фоиз даромади ҳам тўланади.

Сиз Халқ банкининг исталган туман ёки шаҳар бўлимига мурожаат қилиб, ҳисоб варақасини очишингиз мумкин.

Халқ банки ўз маблағларингиздан самарали фойдаланишингиз ва катта миқдордаги сармояга эга бўлишингизга кафолат беради.

Қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-89-36, 78-53-63.

Банкамиз мижози бўлишга шошилинг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки

Азиз юртдошлар!

Энг универсал банк ҳисобланмиш

Ўзбекистон акционерлик тижорат саноат-қурилиш банки

Сиз азизларга ўз хизматларини таклиф этишдан ғоят мамнунлигини изҳор этади.

Аҳолидан омонатларни жамғармаларга республикамиз вилоятларининг 47 та бўлимида жойлашган 160 та жамғарма кассаларида чекланмаган миқдорда қабул қилади.

Жумладан:

«Болаларнинг мақсадли»

омонатига йилига 35 % даромад ҳамда муддатли омонатлар — 1 йилдан 3 йилгача муддатга — 30 %, 3 йилдан юқори омонатларга — йилига 35 % даромад тўланади.

Шунингдек, банкимиз Аёллар йили муносабати билан аҳолидан қуйидаги янги омонат турларига пул маблағларини қабул қилишни давом эттирмоқда:

«Она меҳри» *омонати, йилига 32 % даромад тўланади;*

«Бегойим» *омонати, йилига 36 % даромад тўланади.*

Банк сармоянгиз ҳақидаги маълумотни сир сақлашни ва Сизнинг биринчи талабингиз билан пул маблағларингиз қайтариб берилишини кафолатлайди.

Сизларни қизиқтирган масалалар бўйича қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилиб олишингиз мумкин: (371) 133-73-24, 136-06-54, 136-75-49.

Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.
Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.
Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Олмон оҳанглари Ўзбекистонда

Шу йилнинг 3 октябрида Германия Федератив Республикаси аҳолиси ГФР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини ҳамда Берлин девори ағдарилганлигининг 10 йиллигини нишонлайдилар. Шу санага бағишлаб 30 сентябрдан 10 октябргача Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида Германиянинг машҳур эркаклар хори «Шубертбунд» ўз концертларини ихлосмандлар эътиборига ҳавола этади.

1797 йил 31 январда Вена яқинидаги Лихтентал деган шаҳарчада таваллуд топган Франц Шуберт олмон қўшиқчилигининг даҳоси ҳисобланади. Ўқитувчи оиласида туғилган Франц ёшлигидан билим олишга, мусиқага муҳаббат қўйди. Ўн бир ёшиданоқ софрано чалувчи сифатида сарой капелласига ишга олинган Франц ўзини бутунлай мусиқага бахшида этган.

«Шубертбунд», яъни «Шуберт иттифоқи» эркаклар хори 1923 йил октябрь ойида Эссен шаҳрида тадбиркор Лео Фюрманн томонидан ташкил этилган эди. Фюрманн Эссен шаҳрига иқтидорли санъаткорларни тўплади ҳамда умрининг охиригача, яъни 1961 йилгача хорга ўзи раҳбарлик қилди. «Шубертбунд» эркаклар хори ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ янги тузилган камер хор труппаси сифатида олмон халқ мусиқаси ривожи учун бор куч ва имкониятларини сарф этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйди.

Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бериладиган концертларда асосан Франц Шуберт куй басталаган қўшиқлар ижро этилади. Улар орасида Йоханн Вольфганг Гётенинг «Ҳозирги ўтмишда», «Қадаҳ сўзи», «Сайёҳнинг тунги қўшиғи», «Аллоҳники эрур Ғарбу Шарқ», С. Лаппенинг «Тун шафаги», Й Гэртнернинг «Кечки сукунат» ҳамда бир қатор халқ қўшиқлари бор.

Йўлдош ПАРДА.

Табиб ва табобат

Ёғлар олами

Ўсимликнинг мева ва уруғларини сиқиш-пресслаш йўли билан ёғлар олинади, бу усул уруғларни қиздириб ёки қиздирмасдан қўлланилади.

Қиздириб олинганда уруғдан кўпроқ ёғ чиқади. Лекин бу йўл билан олинган ёғлар таркибига уруғдаги бошқа бирикмалар, оқсил моддалар, пигментлар кўпроқ ажралиб ўтади. Ундан ташқари, иссиқ пресслаш усули билан ёғ олиш вақтида ёғнинг бироз ачиши ва соф кислоталар ажралиши натижасида кислотали хоссага эга бўлиб қолиши мумкин ва ёғнинг сифати нисбатан ўзгаради. Шу сабабли ҳам **тиббиётда совуқ усулда** қиздирмасдан олинган ёғлар ишлатилади. Бундан ташқари мева ва уруғлар ёғини ҳайдовчи, эритувчилар петролеин эфири, эфир ва бошқалар ёрдамида махсус аппаратларда **экстракция** қилиш усули билан ҳам ёғлар олинади. Бу усулда олинган ёғлар сифати яна ҳам пастроқ бўлади. **Экстракция** усулида олинган ёғларда пигментлар, смолалар кўпроқ ўтади. Шунинг учун бу ёғлар асосан техникавий жараёнларда ишлатилади.

Озиқ-овқат саноатида фақат ёғларнинг анализ қилиш услубида тозаланилган, ёмон аралашмалардан ҳоли қилинган ёғлар қўлланилади.

Ёғларнинг инсон организми учун аҳамияти

Ёғларнинг кўп турлари асосан овқат маҳсулотлари қаторига киради. Организм учун унинг физиологик аҳамияти ниҳоятда салмоқли чунки ёғлар организмда энергетик ва пластик ролини бажаради. Ёғлар энергия манбаи бўлиб, бошқа овқат маҳсулотларига қараганда организмда кўпроқ ёниб, катта энергия беради. 1г. ёғ ёнганда 9,0 ккл атрофида энергия ошади, яъники 1 г. ёғ оксидланганда ажраладиган энергия миқдори 1 г. углерод ёки 1 г. оксил оксидланганда ажралган энергия миқдоридан икки баробар кўп. Инсон организмидаги ёғнинг кўп қисми ёғ тўқимасида бўлади. Хужайра тузилмаларининг таркибида ҳам озроқ ёғ бор. Одам организмидаги ёғларнинг умумий миқдори кенг ҳисобда ўзгариб туради ва ўрта хисобда гавда массасининг 10% фоиздан 20% фоизгача ташкил этади. Паталогик, нотабиий семиришда эса ёғлар 50% фоизини ташкил этади. Овқат билан истеъмол қилинган ёғлар ингичка ичакда ёғ кислоталарига ва глицеринга парчаланади. Ичакнинг эпителиол хужайраларида сўрилган ёғ кислоталари ва глицериндан нейтрал ёғ қайта синтезланади. Унинг заррачалари оқсил ва фосфолипид, холестериндан иборат тузилган жуда юпқа қобиқ билан қопланиб хиломикронлар шаклида лимфа орқали қонга тушади. Қондаги ёғ тўқималарида асосан энергия манбаи сифатида сарфланади. Ёғларда витаминлар А, Е, Д, Клар яхши эрийди. Ёғлар бу витаминларни ўзига бириктириб ўзлаштириб олади. Ёғлар билан биргаликда инсон организмига биологик, физиологик, кимёвий қимматли юқори моддалар фосфотитлар, тўйинмаган ёғ кислоталари, стеринлар токоферонлар, фосфолипидлар, холестеринлар ҳам киради. Бу моддаларнинг физиологик аҳамияти жуда катта, нерв тўқималарига фосфотитларга бой **стеренларнинг хусусан холестеринларнинг** аҳамияти ҳам катта. Масалан, буйрак усти безининг пўстлоқ қавати гармонлари, жинсий гармонлар ўт кислоталари холестериндан ҳосил бўлади, витамин Р ҳам стеринларга киради. Холестерин шунингдек, терига ультра бинафша нурлар таъсир қилганида витамин $Д_2$ ҳосил бўлишида салмоқли роль ўйнайди. Одам организмида ҳеч қачон холестерин етишмовчилиги бўлмайди. Бунга сабаб холестерин деярли ҳамма овқат турларидан, углеродлардан, аминокислоталаридан муттасил ҳосил бўлиб туради, организмда холестирин алмашиши бузилганда улар ортиқча тўпланади ва бу ҳолат холестеринларнинг организмдан мўътадил чиқиб туриши жараёнини бузиб, организмда жуда сустлик билан кам чиқадиган бўлиб қолади. Бу ҳолат эса ўз вақтида организмга салбий таъсир қилиб, турли касалликларга хусусан атеросклерознинг ривожланишига олиб келади. Шу сабабли ҳам ёғларнинг организмга таъсири ва ёғларнинг организм қабул қилиши миқдорининг чегарасини билмоқлик зарур омилдир. **Фосфолипидлар** аҳамияти ҳам жуда кенг, улар деярли барча хужайралар мембранасининг таркибий қисмига киради, мия ва нерв толалари тўқимаси фосфолипидларга бой. Фосфолипидлар липотрон хоссага эга бўлиб, жигардаги ёғни ташқарига чиқаради. Хазм жараёнида унинг ичакда эмульсияланишини кучайтиради ва шу тариқа унинг сурилишини пасайтиради, фосфолипидлар холестериннинг организмдан мунтазам чиқиб туришини енгиллаштиради демакки, атеросклерознинг олдини олади. Бундан ташқари, фосфолипидлар энергия ҳосил қилиш жараёнида фаол иштирок этиб, организмда гемоглобинни тўпланиб боришига яхши таъсир қилади, нерв системаси фаолиятини фаоллаштиради, жумладан, қўзғалиш жараёни кучайишига ёрдам беради. Агарда истеъмол қилинадиган овқат маҳсулоти таркибида фосфатитлар етишмаса, камқонлик — ёғларнинг кўп миқдорда тўпланиб қолиши кузатилади. Шунинг учун овқат рационида фосфотитлар бўлишини таъминлаш керак. Ўсимлик мойларидан кунгабоқар ёғи, соя ёғи фосфотитларга жуда бой. **Тўйинмаган ёғ кислоталарининг** овқат рационида етишмаслиги теридан турли хил ўзгаришлар пайдо бўлишига, яна терининг қуришиб туриши, пўст ташлаши, эгзема, гиперкератозга олиб келади. Ультра бинафша нурларга бўлган организм сезгирлигини оширади, кучайтиради, қон томирлари ўтказувчанлигини оширади, капилярлар ёрилиб кетишига мойил бўлиб қолади. Гематурия юзага келади. Меъда ва 12 бармоқли ичак шиллиқ пардасида яралар пайдо бўлишига, тишларнинг карисланишига олиб келади, бўғинларда артритлар бошланишига мойиллик кучаяди. Ёғларнинг биологик аҳамиятларидан яна бири овқат таркибида бўладиган каротин сўрилишида иштирок этади. Масалан ёғсиз овқат таркибидаги каротиннинг фақат 15% фоизи организмга сўрилса, ёғли овқат таркибидаги каротиннинг 80-85 % фоизи сўрилади. Овқатнинг органолиптик хоссасини оширишда ҳам ёғларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, ёғлар овқатнинг узоқ муддат меъдада туришини таъминлайди, бинобарин, ёғлар организмни узоқ муддат тўқ тутиб туради. Бир кунлик овқат таркибидаги ёгга бўлган мактабгача ёшдагилар эхтиёжи 60-70 граммни, мактаб ёшидаги болаларнинг эхтиёжи 80-93 граммни, катта ёшли одамларнинг ёгларга бўлган эхтиёжи бир кунда 80-100 граммни ташкил этади. Шу жумладан ўсимлик ёғи 25-30 граммни, тўйинмаган ёғ кислоталари миқдори 3-6 граммни, холестерин 1-граммни фосфолипидлар 5 граммни ташкил этса кифоядир.

Абдуғаффор НУРИДДИНОВ

(Давоми бор)

(Боши ўтган сонда)

Газетанинг навбатдаги сони 5 октябрь — сешанба куни чиқади

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 2 .00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА